

## КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШДА ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Атамурадов Шерзод Акрамович**

Навоий давлат кончилик ва  
технологиялар университети  
ORCID: 0000-0001-5511-6164

[sherezod@inbox.ru](mailto:sherezod@inbox.ru)

**Ширинова Шахноза Абдинабиевна**

Навоий давлат кончилик ва  
технологиялар университети  
ORCID: 0009-0008-8958-9857

[shahnozashirinova070@gmail.com](mailto:shahnozashirinova070@gmail.com)

**Аннотация.** Бугунги куннинг тезкор ўзгараётган бозор шароитида инновациялар ҳар қандай корхона ва ташкилот учун муваффақиятнинг асосий қалити ҳисобланади. Корхоналар рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ва ривожланишда инновациялар орқали стратегик бошқариш муҳим аҳамият қасб этади. Мазқур мақолада инновацияларнинг стратегик бошқариш тизимидағи роли ва аҳамияти муҳокама қилинади.

**Калим сўзлар:** рақобатбардошлиқ, инновациялар, стартап, "креатив вайронкорлик", дилемма, "Япон мўжизаси", стратегик бошқариш, стратегик мақсадлар, интеграция, рақамли трансформация, сунъий интеллект.

## ЗНАЧЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ В СТРАТЕГИЧЕСКОМ УПРАВЛЕНИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ ПРЕДПРИЯТИЙ

**Атамурадов Шерзод Акрамович**

Навоийский государственный  
горно-технологический университет

**Ширинова Шахноза Абдинабиевна**

Навоийский государственный  
горно-технологический университет

**Аннотация.** В сегодняшних быстро меняющихся рыночных условиях инновации являются ключом к успеху любого бизнеса или организации. Стратегическое управление посредством инноваций играет важную роль в поддержании конкурентоспособности и развитии предприятий. В данной статье рассматривается роль и значение инноваций в системе стратегического управления.

**Ключевые слова:** конкурентоспособность, инновации, стартап, «созидательное разрушение», дилемма, «японское чудо», стратегический менеджмент, стратегические цели, интеграция, цифровая трансформация, искусственный интеллект.

## THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE METHODS IN STRATEGIC MANAGEMENT OF ENTERPRISES' ACTIVITIES

**Atamuradov Sherzod Akramovich**

Navoi State Mining and Technological University

**Shirinova Shakhnoza Abdinabieva**

Navoi State Mining and Technological University

**Abstract.** In today's rapidly changing market environment, innovation is the key to success for any business or organization. Strategic management through innovation plays an important role in maintaining competitiveness and development of enterprises. This article discusses the role and importance of innovation in the strategic management system.

**Keywords:** competitiveness, innovation, startup, "creative destruction", dilemma, "Japanese miracle", strategic management, strategic goals, integration, digital transformation, artificial intelligence.

### Кириш.

Маълумки, бозор шароитида инновацияларнинг роли жуда муҳим ҳисобланади, чунки улар корхоналар ва мамлакатлар учун рақобатбардошликни ошириш, янги маҳсулот ва хизматларни яратиш ва бозор талабларига мослашишда асосий восита ҳисобланади.

Бозор шароитида инновацияларнинг роли ва уларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирини қўйигани асосий жиҳатлар орқали ифодалаш мумкин:

**Рақобатбардошликни ошириш.** Инновациялар бозордаги рақобатда устунликка эришишнинг муҳим омилидир. Компаниялар инновация орқали:

- Янги маҳсулот ёки хизматлар яратиш.
- Маҳсулот сифати ва самарадорлигини ошириш.
- Ишлаб чиқариш жараёнларини тезлаштириш ва харажатларни камайтириш орқали рақобатбардошликни оширадилар.

Янги технологиялар ва инновацион ечимлар, масалан, рақамли трансформация ёки автоматизация, компанияларга ўз операцияларини самаралироқ амалга ошириб, тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб бериш имкониятини беради.

**Маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш.** Инновациялар орқали компаниялар янги маҳсулотлар ва хизматлар яратиб, истеъмолчиларга кенгроқ танлов имконини тақдим этишади. Бу, ўз навбатида, бозордаги талабларни қондиришга ёрдам беради ва мижозлар эҳтиёжларини яхшироқ қондиришга имконият беради.

Масалан, смартфонлар ва юқори технологияли қурилмалар бозорида инновациялар ҳар йили янги турдаги маҳсулотларни яратишга олиб келмоқда, бу эса бозорга доимий янги истеъмолчиларни жалб қиласди.

**Бозорга янги иштирокчилар кириши.** Инновацияларни жорий қилиш бозорга янги иштирокчилар киришини осонлаштиради. Янгича ечим ва технологиялар билан янги компаниялар ва стартаплар пайдо бўлади, бу эса бозорда рақобатни кучайтиради ва мавжуд компанияларнинг ўз фаолиятларини такомиллаштиришга мажбур қиласди.

Масалан, рақамли иқтисодиётда (айниқса, IT соҳасида) янги технологиялар асосида янгидан-янги стартаплар пайдо бўлиб, тезлик билан йирик бозорларда ўз ўрнини топа олади.

**Истеъмолчилар учун қиймат яратиш.** Инновациялар истеъмолчилар учун қиймат яратишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Янгиликлар орқали маҳсулотлар сифатини яхшилаш, нархларни арzonлаштириш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини тезлаштириш мумкин. Шу билан бирга, инновациялар истеъмолчиларга янги қиймат

таклиф қилиш имконини яратади, бу эса мижозлар эҳтиёжларини яхшироқ қондиришга ёрдам беради.

Масалан, тезкор интернет хизматлари ва рақамли платформа инновациялари одамларга янги хизматларни (стриминг платформалари, онлайн харидлар) арzon ва самарали усуллар билан тақдим этишга ёрдам бермоқда.

**Иқтисодий ўсиши ва ривожланиши.** Инновациялар мамлакатлар иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга. Улар:

- Янги иш ўринларини яратади.

- Янгича технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнлари орқали иқтисодий самарадорликни оширади.

- Маҳсулотлар экспортини кенгайтириш орқали мамлакатнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини оширади.

Бозорда инновацияларни қўллаб-қувватлаш орқали давлатлар юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ва хизматларни яратиш имкониятига эга бўладилар. Масалан, Жанубий Корея, Германия ёки АҚШ инновацион иқтисодиётларнинг яхши намунасидир.

**Мижозлар эҳтиёжларини тезроқ қондириши.** Инновациялар бозордаги мижозлар эҳтиёжларига тез ва самарали жавоб бериш имкониятини яратади. Масалан, онлайн савдо платформалари ёки хизмат кўрсатиш секторларидаги инновациялар хизматлар тезлигини ошириб, мижозлар эҳтиёжларини дарҳол қондириш имконини беради.

Масалан, Amazon ва Alibaba каби компаниялар рақамли платформалар орқали маҳсулот етказиб беришда инновацион ечимлар билан истеъмолчиларга тез ва самарали хизмат кўрсатишади.

**Барқарорлик ва экологияга таъсир.** Бугунги кунда бозорларда экология ва барқарор ривожланишга эътибор тобора ортиб бормоқда. Инновациялар орқали компаниялар барқарорликни таъминлаш ва экологияга камроқ таъсир этувчи технологиялардан фойдаланиш имконига эга. Масалан, қайта тикланувчи энергия манбалари ва ресурсларни тежашга қаратилган технологиялар яратилмоқда.

Энергетика ва саноат секторларидаги инновациялар атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндиларни камайтириш, сув ва энергия сарфини камайтириш орқали атроф-муҳитни ҳимоя қилишга ҳисса қўшади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

**Инновация** – бу янги маҳсулотлар, хизматлар ёки жараёнларни яратиш ва жорий этиш бўлиб, у корхоналарнинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиласди. Инновациялар янги технологияларни жорий қилиш, маҳсулот сифатини ошириш ва бозор талабларига тез жавоб бериш имконини беради.

Инновацияларнинг назарий асослари, турли соҳалардаги амалиётлари ҳамда уларнинг иқтисодий ривожланишга таъсири тўғрисида турли манбаларда турлича ёндашув ва маълумотларга мавжуд бўлиб, замонавий назарий адабиётлар Жозеф Шумпетернинг ишланмаларига асосланган. У иқтисодий ривожланишда инновацияларнинг марказий ролини ёритган ва “ижодкор (креатив) вайронкорлик” концепциясини илгари сурган. Жумладан Шумпетер ўзининг “Иқтисодий ривожланиш назарияси” (Шумпетер, 1934) китобида инновациялар ва тадбиркорликнинг иқтисодий ривожланишдаги ролини таърифлайди. У янги маҳсулотлар, жараёнлар ва бозорларга кириб боришни инновациянинг асосий омиллари сифатида кўради. Шумпетернинг “креатив вайронкорлик” тушунчаси эса эски тузилмаларни бузиш орқали янги инновациялар келиб чиқишини ифодалайди.

Шуниндең “Капитализм, социализм ва демократия” (Шумпетер, 1942) номли асарида Шумпетер капитализмнинг келажагини инқилобий инновацияларга боғлайды ва тадбиркорлар янги ишланмалар орқали бозор тузилмасини ёритади.

Америкалик машхур иқтисодчилар Питер Фердинанд Друкер ҳамда Клейтон Маглби Кристенсенлар эса инновациялар кўпинча тадбиркорлик билан боғлаб ўз тадқиқотларида самарадорлик муҳим аҳамияти сифатида инновацияларни таъкидлайдилар.

Друкернинг “Инновация ва тадбиркорлик” (Друкер, 1985) китобида инновациялар ва тадбиркорликнинг бошқарув жараёнларидағи аҳамиятини ёритилади. У инновацияларнинг тадбиркорлик билан боғланиши ва янгиликларни самарали жорий қилиш йўлларини таҳлил қиласди.

Маглби Кристенсен “Иноваторлар дилеммаси” (Кристенсен, 1997) асарида бозорлар ва технологиялардаги инқилобий ўзгаришлар натижасида компанияларнинг қандай қийинчиликларга дуч келиши ва буни қандай енгишлари ҳақида қарашлари ёритилган.

Маълумки, технологик инновациялар иқтисодий ва саноат соҳаларидағи ривожланишнинг муҳим қисми бўлиб, бу борада ҳам турли тадқиқотчиларнинг асарлари мисол келтириш мумкин. Жумладан, Буюк Британиялик иқтисодчи олим Кристофер Фримэн “Технология сиёсати ва иқтисодий самарадорлик: Япониядан сабоқлар” (“Technology Policy and Economic Performance: Lessons from Japan” (Фримэн, 1987) номли китобида Япониянинг технологик ривожланишга қаратилган сиёсатининг самарадорлигини ёритади. Бу асарда инновацион сиёсатнинг иқтисодий самарадорликка қандай таъсир қилиши “Япон мўжизаси” мисолида батафсил ўрганилган.

Шунга ўхшаш яна бир мисол сифатида Натан Розенбергнинг “Қора қути ичида: технология ва иқтисод” (Розенберг, 1982) номли асарини келтириш мүкин: Натан Розенберг бу китобида технологиянинг иқтисодий ривожланишга таъсири ва унинг инновацион жараёнлар билан боғлиқлигини чуқур таҳлил қиласди.

Стратегик бошқарув тизимида инновацияларни қўллаш борасида ҳам бир қанча иқтисодчи олимлар илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Масалан Гарвард университети профессор Майл Юджин Порттер “Халқаро рақобат: мамлакатларнинг рақобатбардош устунликлари” (Порттер, 1990) асарида мамлакатлар инновацион имкониятларини стратегик бошқаришнинг асосий қисми сифатида кўриб чиқади. У инновациялар орқали рақобатбардошликтни ошириш ва ривожланишнинг муваффақиятли йўлларини ушбу асарида асослаб берган.

Калифорния университети профессори Дэвид Тис “Технологик инновациялардан даромад олиш” (Тис, 1986) асарида технологияларнинг бозорлардаги аҳамияти ва уларни тижоратлаштириш йўлларини таҳлил қиласди.

Юқорида келтирилган олимларнинг асарлари ҳамда илмий изланишлари таҳлиллари шуни кўрсатади, инновацияларни тушуниш ва уларни самарали жорий қилиш бўйича адабиётлар турли йўналишларда ривожланмоқда. Шумпетернинг асосий назарий ишланмалари инқилобий инновациялар ва уларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирини тушунтиришга хизмат қиласа, Друкер ва Кристенсен каби муаллифлар инновацияларнинг бизнес ва тадбиркорликдаги амалиётларини таҳлил қиласди. Глобал ҳисботлар, хусусан, Глобал инновация индекси ва OECD ҳисботлари мамлакатлар ўртасидаги инновацион имкониятларни таққослаш учун қимматли манбалар бўлиб хизмат қиласди.

### **Тадқиқот методологияси.**

Маълумки, бозорда узоқ вақт фаолият олиб бораётган тажрибали ҳамда йирик корхоналар учун инвестицияларнинг роли - стратегик ривожланишни таъминлашдан иборат бўлса, кичик ва бозорга янги кириб келган корхоналар учун инвестициялар нафақат ривожланиш, асосан рақобат муҳитидаги курашишда жон сақлаб қолиш учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Бу эса кичик бизнес капиталининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Стратегик бошқариш корхона фаолиятини узоқ муддатли режалаштириш ва мақсадларга етишишга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш жараёнини ифодалайди. Стратегик бошқариш тизими корхонанинг жорий вазиятни баҳолаб, келажакдаги ривожланиш стратегияларини белгилашга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг мақсади: Корхоналарда стратегик бошқаришда инновацион услубларни жорий қилишнинг самарадорлигини ва аҳамиятини таҳлил қилиш. Тадқиқотнинг асосий вазифаси инновацион услубларнинг фаолият натижаларини яхшилашга бўлган таъсирини ўрганиш ва корхоналарга стратегик жиҳатдан қандай афзалликлар бера олишини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот давомида:

- илмий адабиётлар ва мавжуд тадқиқотлар таҳлил қилинди. Инновацион услубларнинг стратегик бошқарувдаги аҳамияти ҳақидаги назарий манбалар ва илмий мақолалар ўрганилди.
- Корхоналардаги анъанавий бошқарув услублари билан инновацион бошқарув услублари таққосланди. Бу орқали ҳар иккаласининг фаолият натижаларига қандай таъсир кўрсатиши баҳоланди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

#### **Инновациялар ва стратегик бошқариш ўртасидаги боғлиқлик.**

Инновацияларни стратегик бошқаришнинг асосий элементи сифатида қараш муҳимдир, чунки инновациялар:

- Корхонанинг стратегик мақсадларига эришишни тезлаштиради.
- Рақобатда устунликни сақлаш имкониятини яратади.
- Корхонанинг бозордаги позициясини кучайтиради.

Инновацияларнинг стратегик қарорлар қабул қилишдаги аҳамияти катта, чунки улар корхоналарга ўз мақсадларига эришиш ва бозорда муваффақиятга эришишда муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, корхоналарда инновациялар орқали стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштиради. Янги технологиялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқиш орқали корхоналар:

- Янги бозорларга кириб боради.
- Маҳсулот турларини кенгайтиради.
- Тез ўзгарувчан талабларга жавоб бериш имкониятини оширади.

Жаҳондаги йирик корхоналар инновацияларни стратегик бошқаришга қандай интеграция қилиб, муваффақиятли натижаларга эришганлиги бўйича бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Apple, Google ва Tesla каби компаниялар инновацияларнинг стратегик аҳамиятини намоён этиб, уларнинг бозордаги етакчилигига сабаб бўлгани фикримизнинг далилидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, корхона фаолиятини стратегик бошқаришда инновацион методларни жорий этиш компанияларга рақобатда устунликка эришиш, иқтисодий самарадорликни ошириш ва бозорда муваффақиятга эришиш имкониятини беради. Қуйида стратегик бошқарув жараёнини такомиллаштириш учун таклиф қилиш мумкин бўлган инновацион услубларни келтириб ўтмоқчимиз:

#### **1. Рақамили трансформация (Digital Transformation)**

Рақамли технологиялардан фойдаланиш стратегик бошқарувнинг инновацион йўналишларидан биридир. Корхоналар рақамли трансформация орқали ўз фаолиятларини автоматлаштириш, маълумотларни реал вақтда таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш жараёнини тезлаштириши мумкин.

- **Мисоллар:** Рақамли платформалар, маълумотлар омборлари (big data), сунъий интеллект (AI), автоматизация ва рақамли бизнес моделлардан фойдаланиш орқали компаниянинг ички жараёнлари ва мижозлар билан ўзаро муносабатларини яхшилаш мумкин.

## 2. Сунъий интеллект (AI) ва машинали ўрганиш (Machine Learning)

Сунъий интеллект ва машинани ўрганиш технологиялари стратегик бошқарув жараёнида таҳлил қилиш ва прогнозлаш жараёнларини такомиллаштиради. Бу метод компанияга бозор тенденцияларини аниқлаш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва стратегик қарорларни тезроқ қабул қилиш имконини беради.

- **Мисоллар:** AI ёрдамида талабни прогноз қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш, маркетинг стратегияларини индивидуаллаштириш, мижозлар эҳтиёжларини ўрганиш.

## 3. Agile бошқарув

Agile — бу стратегик бошқарувда янги ва инновацион ёндашув бўлиб, у жараёnlарни тезлаштириш ва ўзгарувчан муҳитга мослашишни таъминлайди. Agile методлари тезкор қарорлар қабул қилиш ва лойиҳаларни қисқа циклларда амалга оширишга қаратилган.

- **Мисоллар:** Agile методологияларини жорий қилиш орқали компаниялар ўз стратегиясини тез-тез қайта кўриб чиқиши, янги имкониятларни тезда ўрганиши ва ўзгартиришларни жорий қилиши мумкин.

## 4. Blockchain технологиялари

Blockchain технологиялари компаниянинг молиявий операциялари, таъминот занжири ва маълумотларни хавфсиз ва самарали бошқариш учун инновацион ечим ҳисобланади. Ушбу технологияни жорий қилиш орқали стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнида хавфсизлик ва шаффофликни ошириш мумкин.

- **Мисоллар:** Таъминот занжирини тўлиқ шаффоф қилиш, транзакциялар хавфсизлигини таъминлаш, интеллектуал шартномалар орқали келишувларни автоматлаштириш.

## 5. Big Data ва маълумотлар таҳлили (Data Analytics)

Кенг кўламдаги маълумотларни (big data) таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Компаниялар катта маълумотлардан фойдаланиб, стратегик йўналишларини тўғрилаш, маркетингни самарали бошқариш ва мижозларнинг эҳтиёжларини аниқлаш имкониятига эга бўлади.

- **Мисоллар:** Big data орқали мижозлар хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш, бозорнинг келгусидаги ҳолатини прогнозлаш, маҳсулотлар талабини аниқлаш.

## 6. Инновацион бизнес моделлар

Корхона ўз стратегик йўналишини инновацион бизнес моделлар асосида қайта кўриб чиқиши мумкин. Масалан, платформали бизнес моделлар, абонентлик асосидаги бизнес моделлар ёки шерикликка асосланган бизнес моделлар стратегик самарадорликни оширишда муҳим ўрин тутади.

- **Мисоллар:** Amazon ва Netflix каби компаниялар абонентлик асосидаги бизнес моделларни жорий қилиб, мижозлар садоқатини ошириб, бозорда етакчига айланишган.

## 7. Қайта тикланувчи энергия ва экологик инновациялар

Энергетика самарадорлигини ошириш ва экологик инновациялар жорий этиш стратегик бошқарувнинг барқарор ривожланишга қаратилган йўналишларидан бири.

Бу йўналиш компанияларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш билан бирга узоқ муддатли самарадорликни таъминлайди.

- **Мисоллар:** Қуёш ёки шамол энергиясидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини кам карбонли (carbon-neutral) моделларга мослаштириш.

## 8. CRM ва ERP тизимларидан фойдаланиш

CRM (Customer Relationship Management) ва ERP (Enterprise Resource Planning) тизимлари компанияларнинг ички бошқарув жараёнларини автоматлаштириш ва мижозлар билан ўзаро муносабатларни яхшилаш учун инновацион восита ҳисобланади. Бу тизимлар компаниянинг стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради.

- **Мисоллар:** Мижозлар маълумотларини бир тизимда йиғиш, сотув жараёнини автоматлаштириш, ресурслар ва захираларни тўғри бошқариш.

## 9. Масофали ва гибрид ишлаш моделлари

Пандемия даврида ривожланган гибрид ишлаш моделлари стратегик бошқарувнинг муҳим инновацион методларидан бирига айланди. Масофадан туриб ишлаш компанияларга ички ресурслардан самарали фойдаланиш ва ходимларнинг ишлаш шароитларини яхшилаш имконини беради.

- **Мисоллар:** Гибрид иш режалари, виртуал офислар, онлайн ҳамкорлик платформалари (масалан, Microsoft Teams, Zoom, Slack) орқали самарали ишлаш.

## 10. Инновацион кадрлар бошқаруви

Кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни инновацияларга йўналтириш стратегик бошқарувнинг муҳим қисми ҳисобланади. Инновацион кадрлар бошқаруви орқали компаниялар ўз ходимларининг кўнимкаларини замонавий технологиялар ва талабларга мослаштириб, инновациялар жорий этиш имконини оширади.

- **Мисоллар:** Кадрлар учун инновацион ўқув дастурлари, стартап маданиятини ривожлантириш, илғор билимларга эга мутахассисларни жалб қилиш.

### **Хуласа ва таклифлар.**

Корхона фаолиятини стратегик бошқаришда инновацион методлар компанияларга рақобатда устунликка эришиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва бозорда янги имкониятлар яратиш имкониятини беради. Рақамли трансформация, сунъий интеллект, blockchain, big data ва Agile каби инновацион методлар компанияларнинг стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнини жадаллаштириб, уларнинг барқарор ва самарали ривожланишига ёрдам беради

Шундай экан, инновацияларни ҳар қандай корхона учун стратегик ривожланишнинг муҳим омили сифатида қабул қилишимиз керак. Уларни стратегик бошқариш тизимига тўғри жорий этиш орқали корхоналар рақобатда устунликка эришиб, ўз бизнесини барқарор ривожлантириши мумкин. Корхоналар келажакда ҳам рақобатбардошлигини сақлаб қолиш учун инновацияларнинг ривожланишини ўз стратегиясига интеграция қилишни давом эттириши зарур.

### **Адабиётлар /Литература/Reference:**

Porter, M. E. (1990) *The Competitive Advantage of Nations*

Друкер (1985) "Innovation and Entrepreneurship.

Дэвид Тис (1986) *Profiting from Technological Innovation*.

Кристофер Фримэн (1987) *Technology Policy and Economic Performance: Lessons from Japan.*

Маглби Кристенсен (1997) *The Innovator's Dilemma*.

Натан Розенберг (1982) *Inside the Black Box: Technology and Economics*.

Шумпетер (1934) *The Theory of Economic Development*.

Шумпетер (1942) *Capitalism, Socialism, and Democracy*.

Shirinova S. A. Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish barqaror iqtisodiy o'sish garovi //Educational Research in Universal Sciences. – 2024. – T. 3. – №. 2. – C. 689-692.

Атамурадов Ш. А. (2019). Турли минтақаларда венчур инвестицияси муҳити таҳлили хамда венчур бизнесини ўзбекистон иқтисодиётига жорий этиш муаммолари. Экономика и инновационные технологии, (6), 69–79. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11170](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11170)

Атамурадов Ш. А. (2022). Саноатда инновацион фаолиятни ривожлантиришда венчур инвестицияларини жалб қилиш масалалари. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1868>

Атамурадов Ш. Хорижий мамлакатларда венчурли инновацион лойиҳалашириш моделлари // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. – 2019. – №. 2.

Атамурадов Ш.А. Инновацион тадбиркорликда венчур инвестицияларини жалб қилиш муаммолари // Экономика и финансы (Узбекистан). 2021. №1 (137). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-tadbirkorlikda-venchur-investitsiyalarini-zhalbilish-muammolari> (дата обращения: 09.01.2023).

Атамурадов Шерзод Ақрамович Инновацион фаолиятни венчурли молиялаширишнинг халқаро моделларини жорий этиш самарадорлиги // Экономика и финансы (Узбекистан). 2019. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-faoliyatni-venchurli-moliyalashtirishning-hal-aro-modellarini-zhoriy-etish-samaradorligi> (дата обращения: 09.01.2023).

Улашев, И. О., and Ш. А. Атамурадов. "Корхона иқтисодиёти ва менежменти." Ўқув қўйлланма. Тошкент-2013.